

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 147-ҳадис

147-3004 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يُقُولُ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاسْتَأْذَنَهُ فِي الْجِهَادِ، فَقَالَ: «أَحْيِي وَالِدَاكَ؟» قَالَ: تَعَمُّ، قَالَ: «فَفِيهِمَا فَجَاهِدْ».

147-3004. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумо айтади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, у зотдан жиҳодга изн сўради. У зот: «**Ота-онанг тирикми?**» дедилар. У: «Ҳа», деди. «**Ўшалар(нинг розилиги) учун жиҳод қил**»*, дедилар».

* «Жиҳод» сўзи луғатда бор имкониятни сарф қилиш, бор-будини ишга солиш маъноларини билдиради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ўшалар (розилиги) учун жиҳод қил», деганлари «Бор имкониятингни ота-онангнинг рози қилишга қарат», деган маънони билдиради.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI